

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ШЕРАЛИЕВ ШЕРЗОДЖОН ЭШМАҲМАТ ЎҒЛИ

**ПАХТАНИ ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ОҚИМИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Technics Science**

Шералиев Шерзоджон Эшмахмат ўғли

Пахтани ифросликлардан тозалаш оқими технологиясини
такомиллаштириш ва параметрларини асослаш..... 5

Шералиев Шерзоджон Эшмахмат ўғли

Модернизация и обоснование параметров
технологии потока очистки хлопка..... 21

Sheraliyev Sherzodjon Eshmahmat o'g'li

Modernization of cotton cleaning technology flow and justification
of parameters..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ

ШЕРАЛИЕВ ШЕРЗОДЖОН ЭШМАҲМАТ ЎҒЛИ

**ПАХТАНИ ИФЛОСЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ОҚИМИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Г1349 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулиев Тохир Мамараджапович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Саримсақов Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори, профессор

Исмаилов Алишер Абдулҳасеви
техника фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «11» сентябрь соат 8:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (415-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» август куни тарқатилди.
(2021 йил «30» август даги № 47-рақамли реестр баённомаси).



Р.М.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толасининг ишлатилиши бўйича умумий толалар миқдорининг 55-60 фоизини ташкил этади. Дунё статистикаси ва Пахта бўйича Халқаро консултатив қумита (ICAC) нинг сўнги маълумотларига кўра “2018/2019 йил мавсумида пахта толасини экспортёрлари тўртгалигига АҚШ, Хиндистон, Австралия ва Бразилия ҳамда импортёрлар Бангладеш, Ветнам, Хитой, Туркия ва Индонезия мамлакатлари киради”¹. Пахта тозалаш саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақазо этади. Шу жиҳатдан, пахтани дастлабки қайта ишлаш саноатида юқори самарадорликка эга бўлган пахтани тозалаш ускуналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пахтани ифлос аралашмалардан тозалашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, пахтани тозалашнинг ресурстежамкор самарали ускуналарини яратиш вазифалари қўйилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилувчи техникавий ечимларини, пахтани тозалаш технологик жараёнида унинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолишни, энергия сарфини камайтириш имконини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаш режимлари ва кўрсаткичларини оптималлаштириш йўналишида илмий тадқиқот олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жихозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, пахтани

¹Cotton World Statics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

дастлабки табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолувчи ресурстежамкор, самарадорлиги юқори бўлган тозалаш технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги «Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги 397-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3559 сонли «Пахтасаноат илмий маркази» акционерлик жамияти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорихамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пахтанитозалаш ускуналарини такомиллаштириш бўйича қатор чет эл олимлари M.N.Willcutt, S.E.Hughs, G.J.Mangialardi, S.G.Jasckson, G.C.Robert, W.S.Anthony, R.M.Sutton, R.V.Barker, P.A.Boving, J.W.Laird, V.G.Arude, S.K.Shukla, T.S.Manojkumar, D.W.VanDoom, B.M.Norman ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борган.

Пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларининг кўрсаткичлари ва ишлаш режимларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Республикаимизнинг бир қатор олимлари, шу жумладан Б.А.Левкович, С.Д.Болтабоев, А.Н.Нуралиев, С.А.Самандаров, Г.И.Мирошниченко, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Б.И.Роганов, Х.К.Турсунов, А.Джураев, Э.Т.Максудов, Т.М.Кулиев, А.Е.Лугачев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Б.Мардонов, Ш.Ш.Ҳакимов, О.Саримсоков, Х.К.Раҳмонов, И.Д.Мадумаров, А.Х.Бобоматов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган пахтани тозалаш ускуналари таҳлилидан кўриниб турибдики, бугунги кунда пахтани самарадорликлари юқори бўлган тозалаш машиналарининг ресурстежамкор технологияларини яратиш масалалари ўзининг самарали ечимини тўлиқ топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Пахтасаноат илмий маркази» АЖнинг илмий-тадқиқот ишлари режасида қуйидаги фундаментал, амалий ва инновацион

лойихалари бўйича бажарилган. ОТ-Атех-2018-188 “Пахтани майда ифлосликлардан тозалашнинг юқори самарали конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта хом ашёсини ифлос аралашмалардан самарали тозалашнинг такомиллаштирилган оқимли технологиясини ишлаб чиқиш, унинг тозалаш самарадорлигини ошириш учун пружинали пахта йўналтиргичи ва конусли колосникларни параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта хом ашёсини ифлосликлардан тозалаш оқимли технологиясини ишлаб чиқиш;

пахта хом-ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш учун такомиллаштирилган камерасидаги пружинали йўналтиргичнинг тебранишлари, бикрлик-диссипатив хусусиятлари, аррачали барабанга ўрнатилиши режалаштирилган конуссимон колосникларга таъсир этувчи кучларни назарий тахлили асосида ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

такомиллаштирилган оқимли пахта тозалашнинг иш унумдорлиги ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этувчи мақбул параметрларини тажриба ўтказиш орқали аниқлаш;

такомиллаштирилган оқимли пахта тозалашнинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва технологик тизимга жорий этиш;

такомиллаштирилган оқимли пахта тозалаш тажриба нусхасини жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан оқимли тозалаш технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида конструктив схемалар, ишчи органлар ҳаракатини ифодаладиган динамик ва математик моделлар, боғланиш графиклари, асбоблар ва қурilmалар, ҳаракат қонунлари, ҳамда тозалашнинг тавсия этилаётган ишчи параметрлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида пахтани дастлабки ишлаш, назарий ва амалий механика, математик статистика усулларидан, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар ёрдамида оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг оқимли технологияси ишлаб чиқилган;

пахтани майда ифлосликлардан тозалашда уни титиш жараёнини амалга ошириш учун қўшимча қозикли барабанли схемаси таклиф этилди ва пружинали пахта йўналтиргичи ишлаб чиқилган;

пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш машинасининг динамик моделларини тузиш усуллари ишлаб чиқилди ва уларнинг ечими асосида йўналтиргичнинг тебраниш ва пружинанинг диссипатив қонуниятлари олинган;

пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг аррачали барабанларига олти қиррали конусли колосниклар таклиф этилган ва уларни колосникли панжарада жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилган;

пахта ва чиқинди бўлаклари конуссимон колосник сиртига урилиш бурчагини аниқлаш ифодаси олинган ва боғлиқлик графиклари қурилган, уларнинг таҳлили асосида мақбул қийматлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозаловчи машиналарнинг конструкциялардан фойдаланган ҳолда самарали компоновкадаги пахтани оқимли тозалаш технологик тизими тавсия қилинган.

юқори тозалаш самарасини, чигит ва тола шикастланишини пасайишини таъминлайдики, юқори иш унумдорлигида ресурс тежалишини амалга оширадиган ишчи органлар (пружинали йўналтиргич ва конуссимон колосник)нинг мақбул параметрлари ва иш режимлари аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларни ўзаро мослиги, ҳисоблашларда стандарт усуллар ва воситалардан фойдаланилганлиги ҳамда тавсия қилинган пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичларнинг конструкциялари реал иқтисодий самарадорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишининг илмий аҳамияти пахта тозалагичларининг ишчи органлари ҳаракатини ифодаловчи динамик ва математик моделларини олиш, масалаларни сонли ечимлари асосида тавсия қилинган машиналар ишчи органлари ҳаракат қонунларини, параметрларини боғланиш графикларини, ҳаракат режимларини, технологик, кинематик ва динамик параметрларини оптимал қийматларини аниқлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тозалаш жараёнларини интенсификациялаш ҳисобига, иш ресурсини ошириш, юритгичларнинг сарф қувватини пасайтириш ҳисобига юқори унумдорликда сифатли пахта толасини олишни таъминлайдиган пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичларининг конструкцияларини такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқарилган конструкцияларни самарали компоновка қилиш асосида пахтани тозалаш технологик тизими яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Пахтани ифлосликлардан тозалаш оқими технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий ишлар натижалари асосида:

майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи машиналар учун ишлаб чиқарилган пружинали йўналтиргичи ва олти қиррали конуссимон колосникларга дастлабки талаблар тасдиқланган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2021 йил 10 июндаги № ФТ-18/1006 маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсини тозалаш самараси юқори навларда 6.8 % га паст навларда 8.0 % га яхшироқ тозалашга эришилган.

майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи машиналар учун ишлаб чиқарилган пружинали йўналтиргичи ва олти қиррали конуссимон

колосниклар Сурхондарё вилоятининг “Хайробот пахта тозалаш” АЖ да ва Сирдарё вилоятидаги “Boyouvut techno cluster” МЧЖ қошидаги Боёвут пахта тозалаш корхонасининг тозалаш цехларига ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2020 2021 йил 10 июндаги № ФТ-18/1006 маълумотномаси).

майда ва йирик ифлосликлардан тозаловчи машинасини учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топширик) “РИМ устахонаси” МЧЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2021 йил 10 июндаги № ФТ-18/1006 маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсини тозалаш самараси ошган, толани сифатини (навдан навга ўтиши 0,1-0,2%) яхшиланишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-техник анжуманларда, шу жумладан, 6 та халқаро, 2 та Республика конференцияларда ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига 2 та фойдали моделга топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахта хомашёсини тозалаш бўйича илмий ишлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби чигитли пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш технологиясида қўлланиладиган ускуналар асосий ишчи органларининг технологик конструкцияларини такомиллаштиришга бағишланган илмий изланишлар таҳлили ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш учун мўлжалланган оқимли технологиясидаги барча тозалагичларнинг конструкциясини таҳлил қилиш асосида янги конструкцияли (1-расм) пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш тизими яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан IAP 20200122 (2020 йил) рақамли ихтирога топширилган.



Тавсия этилган пахта тозалаш машинаси қуйидагилардан иборат: 1-пахта билан таъминлаш валиги, 2-йўналтиргич, 3-қозикли барабан, 4-тўрли юза, 5-чиқинди учун бункер, 6-чўткали йўналтиргич, 7-аррали барабан, 8-қолосникли панжара, 9-чўтка, 10-ечувчи чўтка, 11-шнec, 12-олти қиррали конуссимон қолосник.

Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш учун аррали барабанларга олти қиррали конуссимон қолосниклар 2-расмдаги схемаси ишлаб чиқилди ва IAP 20200294 (2020 йил) ихтирога топширилди.



1-расм. Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан оқимли тозалаш тизими

Таклиф этилаётган технологияда, тозаловчи машинанинг таъминловчи валини учинчи ва тўртинчи барабанлар оралиғига пахта узатадиган қилиб тайёрланди (1-расм). Натижада пахта хомашёси учинчи барабан ва тўртинчи барабан орасида тушгандан кейин бу ерда титиш жараёни кечади, учинчи барабандан маълум миқдорда титилган пахта иккинчи барабанга узатади, иккинчи барабандан биринчи барабанга узатади. Пахта маълум миқдорда титилиш ва силкиниш билан тўрли юзанинг устидан ўта бошлайди. Тўрли юзанинг тирқишларидан майда ифлосликлар чиқиб кетади.




1-чўтка, 2-аррачали барабан, 3-обойма, 4- олти қиррали конусли қолосник
2-расм. Олти қиррали конусли қолосникли панжаралар

2-расмдаги олти қиррали конуссимон қолосниклар шахмат тартибда жойлашган бўлиб пахтага тебранма ҳаракат қилишига ёрдамлашади ва йирик ифлосликлардан тозалаш самараси ортади.

Таклиф этилаётган схемани ҳисобга олган ҳолда унинг асосий параметрлари ва иш режимларини асослаш мақсадида экспериментал нусхаси ва тажриба саноат намунаси тайёрланди, тадқиқотнинг услубияти ишлаб чиқилди ва хулосалар қилиниб тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Пахтани тозалаш жараёнининг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи бўлимида **“Пахта тозалагичининг пружинали йўналтиргичининг тебранишларини таҳлили”** назарий асослаб берилган.



3-расм. Йўналтиргичнинг конструктив (а) ва ҳисоб схемаси (б)

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}} \right) = \frac{\partial T}{\partial q} - \frac{\partial \Pi}{\partial q} - \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{q}} + Q(q) \quad (1)$$

Бу ерда, T , Π – система кинетик ва потенциал энергиялари, Φ - Рэлейнинг диссипатив функцияси, t -вақт, $Q(q)$ -умумлашган куч.

Пахтадозалагичининг пружинали йўналтиргичи тебранишларини таҳлили, йўналтиргичнинг конструктив ва ҳисоб схемаси, тебраниш конунятлари, тебраниш қамрови ва тебраниш тезликлари графиклари келтирилган. 1-расмда тавсия қилинаётган йўналтиргичнинг схемаси келтирилган.

Йўналтиргичнинг тебранишини ҳисоблаш схемаси асосан бир массали системадир. Унинг ҳаракатини Лагранжнинг II-тартибли тенгламасидан фойдаланиб аниқлаймиз. 3.б-расмда қайтаргичнинг келтирилган ҳисоб схемасига асосан унинг кинетик ва потенциал энергиялари, ҳамда Рэлейнинг диссипатив функцияси асосида пахта тозалагичининг йўналтиргичини тебранишини ифодаловчи дифференциал тенгламани ҳосил қиламиз:

$$m_{\text{ц}} \frac{d^2 x}{dt^2} + Cx + b \frac{dx}{dt} = F_{n0} + F_1 \sin(\omega t) \quad (2)$$

куйидаги белгилашларни амалга оширамиз:

$$K^2 = \frac{C}{m_{\text{к}}}; \quad 2n = \frac{b}{m_{\text{к}}}; \quad h_1 = \frac{F_{n0}}{m_{\text{к}}}; \quad h_2 = \frac{F_1}{m_{\text{к}}};$$

шунда (2) куйидаги кўринишни олади;

$$\frac{d^2 x}{dt^2} + 2n \frac{dx}{dt} + K^2 x = h_1 + h_2 \varepsilon_n(\omega t) \quad (3)$$

У холда келтирилган услубдан фойдаланиб (3)нинг куйидаги ечимини ҳосил қиламиз:

$$x = e^{-nt} \left(x_0 \cos \sqrt{k^2 - \omega^2} t + \frac{nx_0 + \dot{x}_0}{\sqrt{k^2 - \omega^2}} \sin \sqrt{k^2 - \omega^2} t - \frac{h_2 e^{-nt}}{\sqrt{(k^2 - \omega^2)^2 + \varphi n^2 \omega^2}} \cdot \right.$$

$$\left. [\sin(\omega t - \arctg \frac{2n\omega}{k^2 - \omega^2})] \cdot \right.$$

$$\cos \sqrt{(k^2 - \omega^2)t + \frac{\omega \cos(\omega t - \arctg \frac{2n\omega}{k^2 - \omega^2}) + n \sin(\omega t - \arctg \frac{2n\omega}{k^2 - \omega^2})}{\sqrt{k^2 - \omega^2}}} \cdot \sin \sqrt{k^2 - \omega^2} t +$$

$$h_1 + \frac{h_2}{(k^2 - \omega^2) + \varphi n^2 \omega^2} [(k^2 - \omega^2) \sin(\omega t) + 2n\omega \cos(\omega t)] \quad (4)$$

Олинган (4) ечимини таҳлили шуни кўрсатдики, вақт ортиши билан биринчи иккита кўшилувчи қийматлари нолга интилади, шунинг учун қайтаргични барқарор ҳаракатидаги ечимининг учинчи ва тўртинчи кўшилувчилари қолади, яъни пахтадан келаётган таъсир кучи ҳаракат


конунини белгилайди. Лекин (4) нинг ечимини олиш йўналтиргичнинг тебранишини реал шароитга мослигини таъкидлаш мумкин. Шунинг учун (4)ни сонли ечимини олишда йўналтиргич параметрларини куйидаги бошланғич қийматлари инобатга олинди:

$$\omega = 50.24 \text{ с}^{-1}; m_{\text{ц}} = 0.85 \cdot \text{кг}; F_{no} = (1.2 \div 2.1) \text{ Н}; \delta(F_{no}) = (0.08 \div 0.13) \text{ Н};$$

$$C = (3.5 \div 4.5) \cdot 10^3 \text{ Н/м}; b = (3.7 \div 4.1) \text{ Нс/м}$$

Масаланинг сонли ечими асосида йўналтиргичнинг тебраниш конунлари аниқланди.


Пружиналар тахлили шуни кўрсатдики, йўналтиргичнинг пружинаси бикрлик коэффициенти $2.3 \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ дан $5.0 \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ гача ортганида, пахта йўналтиргичнинг силжиш тебраниши қамрови $F_n = 1.5 \text{ Н} \pm (0.09 \div 0.12) \text{ Н}$, бўлганда $1.44 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан $0.78 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача нозизиқли конуниятда қамайиб боради. Лекин таъсир кучи янада ошганда Δx қийматлари $1.81 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан $1.09 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача қамайишини кўриш мумкин. Демак, пахта йўналтиргичнинг керакли тебраниши чегараларини аниқлаш учун қайтаргич пружинаси бикрлиги коэффициенти ўзгартириш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қайтаргич тебраниш тезлигининг қамрови бикрлик коэффициенти ортиши билан қамайиб боради (4-расм). Шунинг учун тозалагичнинг пахтани йўналтиргичи қурилмасини бикрлик коэффициенти $(2.4 \div 2.9) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ оралиқда олиш тавсия этилади.



- 1 – $\Delta x = f(C) - F_n = 1.5 \text{ Н} \pm (0.09 \div 0.12) \text{ Н};$
- 2 – $\Delta x = f(C) - F_n = 2.0 \text{ Н} \pm (0.11 \div 0.14) \text{ Н};$
- 3 – $\Delta \dot{x} = f(C) - F_n = 1.5 \text{ Н} \pm (0.09 \div 0.12) \text{ Н};$
- 4 – $\Delta \dot{x} = f(C) - F_n = 2.0 \text{ Н} \pm (0.11 \div 0.14) \text{ Н};$

4-расм. Пахта йўналтиргичи тебраниш қамрови ва тебраниш тезлиги қамровини ўзгаришини пружина бикрлик коэффициентиға боғлиқлик графиклари

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалашда пахтани титиш ва силкитишни амалга ошириш учун тавсия этилган олти қиррали конусели колосникларни тозалаш самарадорлигига таъсирини назарий томондан тадқиқ этилди бунда, **“Пахта бўлақларини конуссимон колосникка урилиш зарбини аниқлаш”** бўйича пахта бўлақларини конуссимон сиртга таъсирлашишининг назарий асослари келтирилган.



5-расм. Пахта бўлақларини конуссимон сиртдаги таъсирлашиш схемаси

Пахта бўлагини конуссимон сиртга зарбаси таъсирида импульс кучи уччала x, y, z ўқлари бўйича ташкил этувчилари бўлади. Бунда

$$S = \sqrt{S_1^2 + S_2^2 + S_3^2}; S_1 = S \sin \varphi_1 \cos \theta;$$

$$S_2 = S \sin \theta; S_3 = S \sin \varphi; \quad (5)$$

бу ерда, $\varphi_1, \theta, \varphi$ -таъсир импулси, S ва уни ташкил этувчиларини ўзаро жойлашганлигини белгиловчи бурчаклар.

Агарда колосник цилиндрсимон қилиб бажарилса, конуслик бурчаги θ нолга тенг бўлади, ва импульс S фақат текисликда таъсир қилади, яъни:


$$S = \sqrt{S_1^2 + S_2^2}; S_1 = S \sin \varphi_1;$$

$$S_2 = S \sin \varphi; \theta = 0 \quad \text{бўлганда (6)}$$

Маълумки зарба назарясига кўра пахта бўлаги колосникга урилгандаги тезлиги v_a бўлса, урилгандан сўнг уни тезлигини v_a деб белгиласак тикланиш коэффициентига асосан қуйидагича аниқланади.

$$K_1 = \frac{v_{a1}}{v_a}; \quad K_2 = \frac{v_{a2}}{v_a}; \quad (7)$$

бу ерда, K_1, K_2 -мос равишда пахта бўлагини зарба таъсиридан кейинги тикланиш коэффициенти ва пахта бўлаги ичидаги умумлашган чиқинди бўлагини колосник сирти билан таъсирлашгандан кейинги тикланиш коэффициенти.



1-аррачали цилиндр; 2-колосник;
3-пахта бўлаги
6-расм. Пахта бўлаги ва чиқинди бўлагини колосник билан таъсирлашиш схемаси.

$$K_1 = \frac{U_{a1} \cos \alpha_1^1 \cos \theta^1}{V_a \cos \alpha_1 \cos \theta}; K_2 = \frac{U_{a2} \cos \alpha_2^1 \cos \theta^1}{V_a \cos \alpha_1 \cos \theta}; \quad (8)$$

бу ерда, U_{a1} ва U_{a2} -пахта бўлаги ва чиқинди бўлагини зарбадан кейинги тезликлари; α_1^1, α_2^1 -пахта ва чиқинди бўлакчаларини зарбадан кейинги тезликларини нормал чизик билан ҳосил қилган бурчаклари; $\theta^1 - \bar{U}_{a1}$ ва \bar{U}_{a2} ларни колосник конуссимонлиги туфайли ўқига нисбатан оғиш бурчаклари.

Маълумки зарб назариясига асосан

$$m(u-v)=S \quad (9)$$

бу ерда, m -урилайётган масса; V -бошланғич тезлиги, u -зарбадан кейинги тезлиги; S -импульс кучи.

Шунинг учун (7), (8) ва (9) ларни инобатга олиб қуйидагиларни ёзишимиз мумкин.

$$S_n = m_n \omega_6 \frac{v_a \cos \alpha_1 \cos \theta + U_{a1} \cos \alpha_1^1 \cos \theta^1}{v_a \cos \alpha_1 \cos \theta} \cdot (R_6 + l_1 \cos \beta_1);$$

$$S_r = m_r \omega_6 \frac{v_a \cos \alpha_1 \cos \theta + U_{a1} \cos \alpha_1^1 \cos \theta^1}{v_a \cos \alpha_1 \cos \theta} \cdot (R_6 + l_1 \cos \beta_1); \quad (10)$$

$m = m_n + m_r$


бу ерда; m_n , m_r – пахта ва чиқинди бўлаклари массалари; l_1 -пахта бўлаги узунлиги, m -умумий масса,

Таъкидлаш лозимки, пахта ва чиқинди бўлаклари конуссимон колосник сиртига урилиш бурчагини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

$$j = j_1 + \frac{(m_n + m_r) \omega_6 (R + l_1 \cos \beta_1) \sin \gamma_1 + S \cos \gamma_1}{(m_n + m_r) \omega_6 (R + l_1 \cos \gamma_1 - S \cos \gamma_1)} \cdot \sqrt{\cos \left[\frac{S \sin \gamma_1 - \omega_6 (R + l_1 \cos \beta_1) (m_n + m_r)}{(m_n + m_r) l_1 \cos \beta_1} \right] t - 1}$$

$$\gamma = \arccos \frac{\cos \theta}{\cos \gamma_1} \quad (11)$$

Олинган (10) ва (11) ифодаларни сонли ечимлари асосида қатор боғланиш графиклари қурилди. 7-расмда пахта бўлагини конуссимон колосник сиртига импульсли зарба қийматини ўзгариш қонуниятини пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари келтирилган. Графиклар таҳлилига асосан таъкидлаш мумкинки, пахта бўлаги массаси $0,6 \cdot 10^{-3}$ кг дан $0,44 \cdot 10^{-3}$ кг гача ортганида уни конуссимон колосник сиртига урилишдаги импульс бўлган тезлик $32,5 \text{ с}^{-1}$ бўлганида $0,42 \cdot 10^{-3}$ Сн·с дан $2,1 \cdot 10^{-3}$ Сн·с гача ночизиқли қонуниятда камайишини кўриш мумкин.




7-расм. Пахта бўлагини конуссимон колосник сиртига импульсли зарба қийматини ўзгариш қонуниятини пахта бўлаги массасига боғлиқлик графиклари

Аррачали барабан бурчак тезлигини ортиши албатта пахта бўлагини колосник сиртига урилиш импульсини оширади. Жумладан аррачали барабанинг бурчак тезлиги $44,5 \text{ с}^{-1}$ гача ортганда пахта бўлагини колосник сиртига урилишдаги импульс $3,12 \cdot 10^{-1}$ Сн·с дан $9,11 \cdot 10^{-1}$ Сн·с гача ортиб боришини кўриш мумкин.

Шунинг учун пахта бўлагидаги чигит ва толани шикастланишини камайтириш учун куч импульсини $(2.1 \div 3.5)10^{-1}$ Сн·с дан ошмаслигини таъминлаш учун аррачали барабан радиусини $(0.18 \div 0.22)$ м дан оширмаслигини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг учинчи боби “Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг оқимли тизимини такомиллаштириш бўйича амалий изланишлар” да экспериментал тадқиқотлар ўтказишнинг ишлаб чиқилган усуллари, шунингдек, пружинали йўналтиргич ва олти киррали конуссимон колосникларнинг параметрлари, иш режимларини аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Лаборатория шароитида пахтани тозалаш стендида таклиф этилган схемани назоратга таққослаш тажрибалари ўтказилди (8-рasm, 1-жадвал). Тажрибаларни С-6524 селекция навли, ифлослиги 6,4%, намлиги 8,2%, пахта таркибидаги чигитнинг механик шикастланиши 0,5% ни ташкил этувчи I нав 2-синфли 7 т/соатида ва ифлослиги 10,2%, намлиги 9,5% ли, чигитнинг механик шикастланганлиги 1,1% ли III-нав 2-синфли пахталарда агрегат иш унумдорлиги 5 т/соатида ўтказилди.



1-таъминлагич, 2-барабанлар уски девори, 3-козиқли барабанлар, 4-тўрли юза, 5-чиқинди бункери
8-рasm Пахтани ифлосликлардан тозалаш ускунасини бошлабки қисми схемалари, а) амалдаги, назорат варианты, б) такомиллаштирилган таклиф этилган вариант

1-жадвал

Пахтани ифлосликлардан тозалаш ускунасини майда ифлосликлардан тозалаш кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Тажриба вариантлари	Пахтани тозалашгача бўлган дастлабки ифлослиги, %			Пахтани тозалашдан кейинги ифлослиги, %			Тозалаш самарадорлиги, %
	Умумий	Шу жумладан майда иф.	Йирик иф.	Умумий	Шу жумладан майда иф.	Йирик иф.	
Назорат	8,00	6,00	2,00	7,35	5,40	1,95	8,13
	8,10	5,90	2,20	7,43	5,29	2,15	8,27
	7,90	6,10	1,80	7,25	5,50	1,76	8,23
Ўргача	8,00	6,00	2,00	7,34	5,39	1,95	8,21
Таклиф	8,00	6,00	2,00	6,45	4,51	1,94	19,38

этилган вариант	8,10	5,90	2,20	6,54	4,38	2,16	19,26
	7,90	6,10	1,80	6,43	4,67	1,76	18,61
Ўртача	8,00	6,00	2,00	6,47	4,52	1,95	19,08

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таклиф этилган вариантдаги пахтани ифлосликлардан оқимли тозалаш ускунасида қозикли барабанларни 2 донадан 4 донага ошганлиги ва пахта таъминлагичини жойини ўзгартирилиб, пахтани қўшимча барабанлар устида титилиши натижасида майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги назоратдаги 8,21 % дан 19,08 % гача ошган. Демак таклиф этилган такомиллаштирилган вариантдаги тозалаш ускунаси сезиларли даражада самара бериши аниқланди.

Бундан ташқари қозикли барабан ёрдамида отилаётган пахтанинг йўналишига пружинали йўналтиргичнинг ўрнатилиши агрегатнинг майда ифлосликлардан тозалаш самарасини назорат вариантдаги 8,21 % га нисбатан 24,24 % га кўтарилишига олиб келди.

Колосник қирраларининг аррачали барабан ўқиға нисбатан жойлаштирилишида тозалаш самарасига таъсирини ўрганиш натижалари 2 жадвалда келтирилган.


2-жадвал

Колосник қирраларни жойлаштириш	дастлабки ифлослик, %	Тозаланган пахтани ифлослиги, %	Тозалаш самараси, %
Арра ўқиға нисбатан паралел ҳолатда (0°)	4,6	0,9	80,4
	4,7	1,0	78,7
	4,65	0,9	80,6
Ўртача	4,65	0,93	79,9
Арра ўқиға нисбатан 15° бурилган ҳолати	4,6	0,7	84,7
	4,7	0,8	83,0
	4,65	0,7	84,9
Ўртача	4,65	0,73	84,2

Тажрибалар натижасида олинган 2 жадвал маълумотларидан кўринадикки, конусли колосник қиррасини аррачали барабан ўқиға нисбатан 15° га бурилган ҳолатда ўрнатилган конусли колосниклар томонидан пахтага таъсири юқори бўлиб, титиш жараёни яхшиланади ва тозалаш самарадорлигини ортишига олиб келади. Бунда колосник қиррасини аррачали барабан ўқиға нисбатан паралел ўрнатилган ҳолатига нисбатан тозалаш самараси 79,9% дан 84,2% га ошган. Тажрибадан хулоса қиламизки кўп қиррали колосникларни қирраларини аррачали барабан ўқиға нисбатан 15° га бурилган ҳолатда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Пахта тозалагичнинг таъминлагичини учинчи ва тўртинчи қозикли барабанлар оралиғига жойлаштириб, барабанлар юқори деворини ўз ҳолатида ва ҳар 50 ммга кўтариш билан тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганилди. Сўнг юқори деворнинг кўтарилган ҳолатида пружинали йўналтиргич ўрнатиб тозалаш самарадорликлари аниқланди.

Тажриба натижалари куйидаги 8-9-расмлардаги графикларда келтирилган.




8-расм. I-нав, 2-синфли пахтани ишлаганда қозикли барабан устки девор баландлигини катталашининг тозалаш самарадорлигини ўзгаришига боғлиқлиги (пружинали йўналтиргичсиз)

Юқоридаги 8-расмдаги графикдан кўришиб турибдики 1ХК тозалагичининг қозикли барабанлар устки девор баландлиги 150 ммдан 250 ммгача катталашини билан пахтани тозалаш самарадорлигини 55,0% дан 55,6% гача ўзгаришига олиб келди. Бунда қозикли барабан устки девор баландлигини 150 мм дан 250 мм гача оширилишида пахтани тозалаш самарадорлиги 55,0% дан 56,8% гача ошганини кўрамыз, тозалаш жараёнини кўзатилганида тозалаш камерасининг ҳажмини катталашуви пахта бўлакларини яхши ажралишига олиб келади, лекин ҳажмнинг янада катталашувидан пахта бўлакларининг узокқа отилишига жой очилиб, ўртадаги қозикли барабанга тушмасдан кейинги қозикли барабанга ўтиб кетаётганлиги кузатилди ва тозалаш самарасининг 55,6% га тушиб кетишга олиб келди.

Пахтани тозалашда уни титиш жараёнини интенсивлаштириш, қозикли барабанларнинг барчасидан пахта ўтишини таъминлаш учун иккинчи ва учинчи қозикли барабанлар орасига пружинали қайтаргич ўрнатилди бу эса қозикли барабан томонидан отилаётган пахталарни қайтаргич юзасига урилишидан пахтани силкитиш жараёни юзага келиб, кейинги қозикли барабанга йўналтириб беришни таъминлайди. Пружинали қайтаргичнинг ўлчами бир хиллигини ҳисобга олиб, уни девор баландлигини 100 ммга оширилгандан бошлаб ўрнатилган холда қозикли барабан устки деворини баландлигини оширилишда тозалаш самарадорлигига таъсирини аниқлаш тажрибалари ўтказилди 9-расм.

Куйидаги графиклардан кўришиб турибдики пружинали йўналтиргични ўрнатилиши ҳар қандай ҳолатида ҳам тозалаш самарадорлиги пружинали қайтаргичсиз ҳолатига нисбатан юқори. 9-расмдаги графикда I нав пахта хомашёсини тозалаш самарадорлиги қозикли барабан устки девор баландлигини 150 ммдан 250 ммгача оширилишидан 58,5% дан 58,6% гача ўзгарганлигини кўришимиз мумкин, бунда қозикли барабан устки деворининг 200 мм ҳолатигача тозалаш самарадорлигининг юқори кўрсаткичга эришганлиги, яъни 62,4% ни ташкил этиб, девор баландлигини янада оширилиши тозалаш самарадорликнинг 58,6% га тушиб кетишига сабаб бўлди. Бу ҳолатни кузатилганда малум бўлдики, пахта қанча юқорига отилса пружинали қайтаргичга урилиш кучини камайишидан пахта

таркибидаги майда ифлосликларнинг ажралишининг камайишига олиб келмоқда.



9-расм. I-нав, 2-синфли пахтани ишлаганда қозикли барабан устки девор баландлигини катталашининг тозалаш самарадорлигини ўзгаришига боғлиқлиги (пружинали йўналтиргич ўрнатилганда)

Ускунанинг мақбул ўлчамларини тажрибаларни математик режалаш усули орқали тўлиқ омилли тажрибалар асосида аниқланди.

Технологияда пахтани тозалаш сифатини баҳолашнинг критерия чегараси сифатида агрегатнинг тозалаш самараси Y_1 ва пахта таркибидаги чигитнинг механик шикастланиш даражасининг ошиши Y_2 олинди. Белгиланган критерияларга таъсир этувчи асосий омиллар: колосникнинг конуслиги d , арра билан колосник оралиқ масофаси H , колосниклар оралиқ масофаси h қабул қилинди.

Тажриба натижаларини, компьютер амалий программаларидан фойдаланилган ҳолда, дастлабки ишлаш натижасида чигитни узатиш жараёнини фишер критерияси бўйича барча чиқиш параметрларини етарли даражада тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

Y_1 -тозалаш самараси,

$$Y_1 = 87.85835 - 1.20667 \cdot X_1 - 0.70667 \cdot X_2 - 0.60667 \cdot X_3 - 1.72498 \cdot X_1^2 - 1.69168 \cdot X_2^2 - 2.19171 \cdot X_3^2$$

Y_2 -чигитнинг механик шикастланиши ортиши

$$Y_2 = 0,59051 - 0.06067 \cdot X_1 - 0.12367 \cdot X_2 + 0.14731 \cdot X_2^2 + 0.03897 \cdot X_3^2$$

Оптималлаштириш масаласи тасодифий кидирув усули ёрдамида ечилди ва қуйидаги рационал ечимлар олинди: бунда, колосникнинг конуслиги 0,016 аррачали барабан билан колосник оралиқ масофаси 17,0 мм, колосниклар оралиқ масофаси 40,0 мм ни ташкил этди.

Берилган омиллар қийматида пахта хом-ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш учун мўлжалланган оқимли тозалагичнинг самарали ишлаши кузатилади, яъни тозалаш самарадорлиги 85% дан юқори.

Тўртинчи боби **“Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқаришдаги синовлари ва иқтисодий самарадорлиги”** ишлаб чиқариш синов натижалари келтирилган.

Тавсия этилган пружинали қайтаргич ва олти қиррали конуссимон колосникларни ишлаб чиқаришдаги УХК тозалаш тизимига ўрнатиб

тажриба-синов ишларини “BOYOVUT TECHNO CLUTER” МЧЖ қошидаги Боёвут пахта тозалаш корхонасида амалга оширилди.

Такомиллаштирилган УХК тозалаш тизими куйидаги фото суратларда келтирилган 10-11-расмлар.



10-расм. Таъминлагичи учинчи ва тўртинчи барабанлар оралиғига ўзгартирилган пахтани ифлосликлардан тозалагичининг умумий кўриниши



11-расм. Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш учун мўлжалланган УХК русумли машинага ўрнатилган тавсия қилинган олти қиррали конуссимон колосниклар

Ишлаб чиқариш шароитида ўтазилган синовлар натижалари шуни кўрсатдики, таклиф этилаётган технологик жараён мавжуд технологияга нисбатан I-нав 2-синф пахтада 6,8% га ва III-нав 2-синфда 8,0% тозалаш самараси юқори ва олинган толанинг сифат кўрсаткичлари 0,1-0,2% га яхшиланишига эришилди.

Пахта хомашёсини оқимли тозалаш технологик агрегатларини такомиллаштиришдан битта тозалаш линияси бўйича эришилган йиллик иқтисодий самарадорлик 99,7млн. сўмни ташкил этди.

Хулосалар

"Пахтани ифлосликлардан тозалаш оқими технологиясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш" мавзусида диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Пахтани ифлосликлардан оқимли тозалаш машиналарининг таҳлилидан маълум бўлдики, уларнинг майда ифлосликлардан тозалаш самараси паст бўлганлиги сабабли машинанинг олд ва орқа қисмларига 1ХК тозалагичларини ўрнатиш ҳолатлари мавжуд, бундан ташқари ўрнатилган колосникли панжаралар таҳлилидан тозалагичларнинг тозалаш самарадорлигини ошириш учун тозалаш зонасида пахта хомашёсини қўшимча силкитиш зарурлиги маълум бўлди.

2. Пахтани оқимли тозалаш машиналарининг такомиллаштирилган схемаси таклиф этилди. амалдаги 2 та қозикли барабан ўрнига 4 та қозикли барабан, таъминлагич эса учинчи ва тўртинчи барабанни орасига ўрнатилиши, юқори деворга пружинали йўналтиргич қўйилиши, колосникларни конусли қарама-қарши ўрнатиш схемаси таклиф этилди.

3. Назарий тадқиқотлар натижасида тозалагичнинг пахтани йўналтиргичининг бикрлик коэффициенти $(2.4 \div 2.9) \cdot 10^3 \text{ Н/м}$ ораликда бўлиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бунда йўналтиргичнинг тебраниш камрови қийматларини $(2.0 \div 3.0) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ораликда бўлишини таъминлаш учун унинг массасини 1,78 кг дан ошмаслигини таъминлаш тавсия этилади.
4. Пахта бўлагини конуссимон колосник сиртига импульсли зарба қийматини ўзгариш қонуниятлари назарий таҳлил этилди. унга кўра амалдаги аррачали барабан (барабан радиуси 0,24 мм) учун пахта бўлагидаги чигит ва толани шикастланишини камайтириш учун куч импульсини $(2.1 \div 3.5) \cdot 10^{-1} \text{ Сн} \cdot \text{с}$ дан ошмаслигини таъминлаш тавсия этилади.
5. Назарий таҳлилларга асосан пахта бўлаги оғиш бурчагини $(52^\circ \div 60^\circ)$ оралиғида таъминлаш учун аррачали барабанлар бурчак тезлиги $(3.5 \div 3.8) \cdot 10 \text{ с}^{-1}$ оралиғида ва унинг радиуси $(1.5 \div 2.4) \cdot 10^{-1} \text{ м}$ оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқдир.
6. Оқимли тозалагичнинг майда ифлосликлардан тозалагичида пахтани титиш ва силкитиш жараёнини ҳосил қилиш учун пахта билан таъминлагични учинчи ва тўртинчи қозикли барабанлар оралиғига ўрнатилиши, қозикли барабан ёрдамида отилаётган пахтанинг йўналишига пружинали йўналтиргичнинг ўрнатилиши агрегатнинг майда ифлосликлардан тозалаш самарасини назорат вариантдаги 8,21 % га нисбатан 24,24 % га кўтарилишига олиб келди.
7. Колосник қиррасини аррачали барабан ўқиға нисбатан параллел ўрнатилган ҳолатиға нисбатан тозалаш самараси 79,9% дан 84,2% га ошган. Тажрибадан хулоса қиламизки кўп қиррали колосникларни қирраларини аррачали барабан ўқиға нисбатан 15° га бурилган ҳолатда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.
8. Пахта тозалагичи колосникларнинг конуслигини панжарада қарама-қарши томонга йиғилиши варианты бир томонга йиғилиб ўтказилган тажрибаларда олинган тозалаш самарадорлигини 6-8% га оширишга эришиб, яхши натижа берди.
9. Ўтказилган тўлиқ омилли тажрибалар натижаси бўйича колосникнинг конуслиги 0,016, аррачали барабан билан колосник оралик масофаси шартли 17,0 мм (17-13 мм), колосниклар оралик масофаси 40,0 мм ни ташкил этди. Бунда белгиланган омиллар қийматида пахта хом-ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш учун мўлжалланган оқимли тозалагичнинг самарадорлиги 85% дан юқори эканлиги кузатилди.
10. Ишлаб чиқариш шароитида ўтазилган синовлар натижалари шуни кўрсатдики, таклиф этилаётган такомиллаштирилган пахтани оқимли тозалаш агрегати мавжуд технологияға нисбатан I-нав 2-синф пахтада 6,8% га ва III-нав 2-синфда 8,0% юқори тозалаш самарасиға ва олинган толанинг синфлари бўйича сифат кўрсаткичлари 0,1-0,2% га яхшиланишиға эришилди.
11. Пахта хомашёсини оқимли тозалаш технологик агрегатларини такомиллаштиришдан битта тозалаш линияси бўйича кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 99,7 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»

ШЕРАЛИЕВ ШЕРЗОДЖОН ЭШМАХМАТ УГЛИ

**“МОДЕРНИЗАЦИЯ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ
ТЕХНОЛОГИИ И ПОТОКА ОЧИСТКИ ХЛОПКА”**

05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичной обработки сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4. PhD/T1349.

Диссертация выполнена в АО «Пахтасаноат илимий маркази».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Кулиев Тохир Мамаражапович
доктор технических наук, стар. науч. сот.

Официальные оппоненты: Саримсаков Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук, профессор
Исмаилов Алишер Абдулхаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Андижанский институт машиностроения

Защита диссертации состоится «11» сентябрь 2021 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 415). (Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07)

Автореферат диссертации разослан «30» август 2021 года

(Протокол рассылки № 47 от «30» август 2021 года)



Р.М.Муродов

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Х.Т.Бобожанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Использование хлопкового волокна в мировой текстильной промышленности составляет 55-60% от общего объема используемых волокон. Согласно последним данным Международного статистического комитета и Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), “в сезоне 2018/2019 гг. четверьмя основанными экспортерами хлопкового волокна являются США, Индия, Австралия и Бразилия, а импортерами - Бангладеш, Вьетнам, Китай, Турция и Индонезия”¹. Последовательное и устойчивое развитие хлопкоочистительной отрасли, внедрение современного оборудования на предприятиях отрасли, повышение уровня эффективного и рационального использования производственных мощностей, является основой производства конкурентоспособной продукции на мировом рынке хлопка. В связи с этим в мировой хлопкоочистительной промышленности уделяется особое внимание совершенствованию хлопкоочистительного оборудования и созданию ресурсосберегающих технологий.

